

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





Дембо-Рубинштейн методикаси бўйича олинган эмпирик маълумотлар натижасида шу нарса аниқландики, 34% ўсмир йигитлар ва 26% қизлар учун ўзини ўзи баҳолашнинг адекват (нормал) даражаси хос экан.

Гендер жабхани кўриб чиқишида ўсмир йигитларда ноадекват ўзини ўзи баҳолаш қизларга нисбатан 1,7 марта кўпроқ учраши қайд қилинди.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса сифатида айтиш мумкинки, барча дезадаптациялашган ўсмирларда рефлексив фаолиятнинг етарлича ривожлан-маганлиги яққол сезилиб туради. Зоро, бугунги ўсмирдан шахслик хусусиятлари, муваффакиятли мулокот, умуминсоний сифатлар ва ташқи кўриниш хисобига ўзини қабул қилиш даражасининг ортиши талаб қилинади. Бундан ташкари “Мен тимсоли” коррекцияси технологияси ва дезадаптациялашган ўсмирлардаги девиант хулқ-авторни бошқариш тизими таълим субъектлари муваффакиятига психологик-педагогик ҳамроҳлик қилишни кўзда тутади. Бу жараёнда эса ҳар бир педагогнинг психологик компетентлиги даражаларини аниқлаш билан боғлиқ ҳолатлар чуқур ўрганилиши ва таҳлил қилинишини лозим, деб ўйлаймиз.

**Адабиётлар:**

1. Дубровина И. В. Об индивидуальных особенностях школьников. - М.: Знание, 1992. - 64 с.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 98 б.
3. Ш.Ш.Рустамов. Математическая статистика в системе психологии. Психология. Илмий журнал. – Бухоро 2020. - 143-146 с.
4. Ш.Ш.Рустамов. Анализ психологических данных с помощью программы SPSS. Информационная культура современного детства. Сборник статей Международной научно-практической конференции Россия, г. Челябинск, 31 октября — 1 ноября 2019 года.



*Аъзамова Маҳлиё Абдураҳимовна,  
Бухоро давлатуниверситети, Психология кафедраси ўқитувчisi,*

**МАҲАЛЛАДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ  
ЭМПИРИК АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** Уибу мақола маҳаллада аҳолининг турли гуруҳларига психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий психологик механизmlарини ҳамда маҳаллада психологик хизмат самарадорлигини ошириш ўйларидан иборат.

**Аннотация:** В статье рассмотрены социально-психологические механизмы оказания психологической помощи различным группам населения в районе и способы повышения эффективности оказания психологической помощи в районе.

**Annotation:** This article contains social psychological mechanisms of psychological services to different groups of the population in the neighborhood and ways to increase the effectiveness of psychological services in the neighborhood.

**Таянч сўзлар:** психологик хизмат, муаммоли шахслар, шахслараро муносабат, амалиётчи психолог, психологик хизмат мактаби .

**Ключевые слова:** психологическая служба, проблемные личности, межличностные отношения, практический психолог, школа психологической службы.

**Keywords:** psychological service, problem individuals, interpersonal relationships, practical psychologist, school of psychological service.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига биноан маҳаллалар



давлатнинг жойлардаги мухим таянчи, юридик шахс сифатида фаолият кўрсатди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жами 9627та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда, шундан 6855 таси юридик шахс мақомига эгадир. Бу жараёнда эса психологияк хизмат амалиёти мухим аҳамият касб этади.

Психологияк хизмат фани шаклланишининг назарий-илмий методологик асослари умумий психология фани шаклланиши билан боғлиқ узоқ тарихий илдизларга бориб тақалади. Албатта, психологик хизмат фани дастлабки психологик тушунчаларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш даврлари билан бевосита боғлиқдир. Психологияк хизмат методологиясини яратишда инсоннинг хиссий ҳолатини тушуниш ва унинг ўз меҳнати маҳсулларидан ижтимоий қониқиши жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишлиланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херцберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизmlари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш маҳсулига кўра меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўз-ўзини билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса, шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи хиссий кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса, шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи хиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳақиқат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-хиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам, инсоннинг ўз фаолиятидан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Психологияк хизмат эса, бизнингча, худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиши жараёнини маълум даражада юкори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Бугунги кунда психологик хизмат кўрсатиш амалиёти барча давлатларда турлича кўринишларда амалга оширилмоқда. Айнан маҳалла ҳаёти билан боғлиқ психологик тадбирларнинг олиб борилиши учбу тизимда ўзига хос ижтимоий омилларнинг яққол намоён этилишини таъминлашга хизмат қиласи. Зоро, маҳалла тизими ва бу тизимга ҳукумат томонидан юксак эътиборнинг қаратилиши фақатгина бизнинг мамлакатимизда ва бизнинг минг йиллик қадриятларимизга хос ва мосдир. Айни пайтда, маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоги бўлган, миллий урф-одат анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган. У одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик карор топишида мухим аҳамият касб этиб келган. Қолаверса, бугунги кунда ҳам биздаги маҳаллалар мамлакатимизда давлат бошқарувининг бирламчи бўғини, асосий устуни сифатида эътироф этилмоқда.

Маҳаллада психологик хизмат амалиётини ташкил этиш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганиш асосида шахс харитасини тузиш.
2. Маҳаллада шахслараро муносабатлар тизимида баҳо бериш (маҳалла фаоллари ва маҳаллада яшовчилар ўртасида).
3. Маҳаллада муаммоли оилалар ва муаммоли шахсларни ўрганиш асосида учбу муаммонинг психологик ечимларини излаш ва бартараф этиш.
4. Маҳалла, мактаб, оила ва профилактика инспектори ҳамкорлигини самарали тарзда ташкил этишнинг психологик таъсир мезонларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.
5. Маҳаллада уч авлод учрашувини ташкил этиш асосида ёшларга психологик таъсир этиш доирасини кенгайтириш.
6. Маҳалладаги қадриятларни ўрганиш ва шу қадриятларнинг таъсирчанлигига таяниб шахслардаги ўёки бу муаммоларни бартараф этиш.
7. Маҳалладаги жиноятларнинг содир этилиши ва суицид ҳолатларига олиб келувчи омилларни муайян ижтимоий психологик тамойиллар асосида таҳлил қилиш. Ушбу ҳолатга мойиллиги бор ҳар бир шахс билан индивидуал шугулланиш.
8. Маҳаллада ногиронлиги мавжуд шахсларга алоҳида психологик ёндашув йўлларини кўрсатиш.
9. Маҳалладаги маънавий-иктисодий ва мағкуравий жиҳатдан муаммоси бор шахслар билан тизимли ишларнинг ташкил қилинишига кўмаклашиш.

10. Маҳаллани ҳар томонлама тизимли равишда ўрганиб, унда истиқомат қилувчи ҳар бир оила ва ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал психологияк харитасини тузиш ва шу асосда маҳаллага психологик хизмат кўрсатишнинг илмий амалий жиҳатдан истиқболли режаларини ишлаб чикиш ва уни амалиётда қўллаш.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизда маҳалла институти тараққиёти учун жуда кўплаб ишлар қилинмоқда. Айни пайтда маҳаллада яшовчи фуқароларнинг ўзаро муносабати, мулоқоти, улардаги маънавий-психологияк жиҳатларнинг тадқиқ қилиниши орқали ҳар бир маҳаллада психологик хизмат кўрсатиш бўлимлари очилмоқда. Айниқса, маҳалладаги ўюшмаган ёшлар билан ишлаш, нотинч оиласлар ва ногиронлар билан ишлашдаги психологик муаммолар аста-секин ечилиб бормоқда.


Мазкур жавоблар изоҳи шуни тасдиқлайдики, демак, маҳалла тизими шахс руҳияти билан боғлиқ кенг кўламли муаммолар мажмуасини ўз ичига олганлиги боис бугунги кунда маҳаллада яшовчи аҳолининг турли гурухларига психологик хизмат кўрсатилиши шарт ва зарур экан юқоридаги назарий таҳлилларга асосланиб мазкур муаммо ечимлари бўйича қуидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

XX асрга келиб психологлар ўзларининг навбатдаги жаҳоншумул илмий мақсадлари – инсонга, айни пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг муқаррарлигини назарий-илмий жиҳатдан асослаб беришга муваффак бўлдилар.

Маҳалла асрлар оша шаклланган шарқона ўзини ўзи бошқариш тизимиdir. Шу боисдан кейинги пайтларда унинг фаолияти самарадорлигини ҳар томонлама ошириш ва ривожлантиришга, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жамиятдаги нуфузини янада кўтаришга, ташкилий-хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилди. Дарҳақиқат, маҳалла институтини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар туб мазмун-моҳиятига кўра Ватанимиз тараққиётига, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга, фуқаролар йигинлари ишини юқори даражада ташкил этишга хизмат қиласди.

Маҳаллада, оиласа психологик хизмат кўрсатиш жараёнида турли ёшлардаги ва турли тоифалардаги оиласларга оиласлай ҳаёт билан, оиласлар шахслараро муносабатлар билан, турли

**“Маҳалла тизимида психолог лавозими жорий этилишини маъқуллайсизми?” – саволига олинган жавоблар ҳақида маълумот.**



хил зиддиятлар билан боғлиқ барча вазиятларни таҳлил қилишда ва ижобий томонга йўналтиришда кўмаклашилди.

Маҳаллада оиласлай ҳаёт, меҳнат, катталар ва кичиклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ахлоқий-маънавий қиёфалари, ота-оналарнинг сиёсий ва маънавий савиялари, уларнинг



иқтисодий таъминланганлиги, турли кўринишдаги фаолиятлари, вақтни тўғри режалаштириш, яшаш шароитлари ва бошқалар оиласи тарбия самарадорлигини таъминловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳаллада психологик хизматни ташкил этиш учун қуидаги тавсияларга амал қилиш талаб қилинади:

➤ Оммавий ахборот воситалари: телевидение, радио, матбуот, интернет орқали маҳаллада психологик хизмат кўрсатишга оид чиқишиларни ташкил қилиш.

➤ Республикаиздаги барча маҳаллаларга, оиласи тарбияни юкори даражада йўлга кўйиш. Ҳар бир маҳалладаги носоғлом мухитнинг психологик илдизларини аниқлаш ва уни коррекциялашнинг муайян имкониятларини очиб бериш.

➤ Ота-оналар ўртасида боланинг мулоқот сифатларидаги психологик хусусиятларга оид билимларни кенг тарғиб қилиш.

➤ Хулки оғишган болалар тўдасига қўшилишга мойиллиги бор бўлган ўсмирларнинг сонининг камайиши учун ота-оналар ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда психопрофилактик ишлар ва психотренинглар ташкиллаштириши.

➤ Психологик хизматга муҳтоҷ ўғил ва қизларнинг ўз оиласидаги ҳаётга интилишини кучайтиришга қаратиш ҳамда ўсмирларнинг ота-оналарини ўз фарзандларининг эртанги кунига бефарқ бўлмасликка, ўз ота-оналини масъулиятини ҳис қилишга чақириш.

➤ Ота-оналар ва педагоглар учун ўқувчиларда ижобий шахсий сифатларни ва шахслараро муносабатларни шакллантириши тўғри йўлга кўйиш учун маҳсус методик тавсияномалар ишлаб чиқиши.

➤ Ота-оналарнинг ва ўқитувчиларнинг болаларни яхши тушуниши учун улар билан яқиндан дўстона муносабатда бўлиб, ўзаро муаммоларни бартараф қилиш мақсадида сухбатлашиш ва бир-бирини ўзаро тушунишга ҳаракат қилиш йўлларини билиш учун психологик маслаҳатлар олишга ундаш.

➤ Маҳаллада вояга етмаганлар билан ишлашда маҳалла профилактика инспекторига алоҳида психологик кўрсатмалар бериш.

➤ Суицидга мойилликни намоён этиши мумкин бўлган болалар, ўсмирлар ва катталар билан алоҳида индивидуал ишлар олиб бориши.

➤ Жиноятчиликнинг олдини олиш профилактикасини ташкил этишда муайян мақсадларга қаратилган психопрофилактик ва психокоррекцион ишлар кўламини белгилаш ва уни амалга ошириш.

Демак, юкоридаги ижтимоий-психологик талаблар асосида маҳаллаларда психологик хизматнинг ташкил этилиши аҳолининг турли гурухларида психологик билимларни янада кўпроқ тарғиб қилинишида мухим аҳамият касб этади.

Жумладан, Бухоро вилояти Фиждувон туманида олиб борилган контент-таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият фуқароларимизнинг ҳолисона жавобларида маҳаллада психологик хизматнинг ниҳоятда зарурлиги ҳақида эътироф этилган. Ушбу жавобларнинг айримларини мисол тариқасида келтирамиз.

**“Содир бўлаётган оиласи тарбияни ўзидига оиласи ташкил этилиши самарали таъсир этади, деб ўйлайсизми?” – саволига олинган жавоблар ҳақида маълумот.**

<b>МФЙ ҳудудлари</b>	<b>“Ҳа”</b>	<b>“Йўқ”</b>	<b>Жами=</b>
<i>Ростгўй МФЙ</i>	43	5	48
<i>Бештубо МФЙ</i>	48	3	51
<i>Соктари МФЙ</i>	70	5	75
<i>Ғиши МФЙ</i>	46	6	52
<b>Жами n=</b>	<b>207</b>	<b>19</b>	<b>246</b>

Мазкур жавоблар изоҳи шуни тасдиқлайди, демак, маҳалла тизими шахс руҳияти билан боғлиқ кенг кўлами мажмуасини ўз ичига олганлиги боис бугунги кунда маҳаллада яшовчи аҳолининг турли гурухларига психологик хизмат кўрсатилиши шарт ва



зарур экан юқоридаги назарий таҳлилларга асосланиб мазкур муаммо ечимлари бўйича қуидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юқорида қайд этилган барча фикрларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун бугунги ижтимоий психологиянинг эмпирик тараққиётига хизмат қилувчи муайян валидлиги юқори бўлган замонавий методларни танлаш, саралаш ва уларни мазкур тадқиқотимиз мақсадига мос равишда қўллаш орқали маҳаллаларда ахолининг турли гурухларидан эмпирик маълумотлар олиш ва шу маълумотлар асосида тегишили илмий – амалий тасаввурларимизни шакллантириш мухим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан, дастлабки илмий адабиётлар таҳлили ва илмий – тадқиқий кузатишларимизга асосланган мулоҳазаларимиз бугунги кунда ахолининг турли гурухларига аниқ мақсадга йўналтирилган методикаларни қўллаш орқали психологик хизмат кўрсатишнинг ниҳоятда мухим эканлигини кўрсатмоқда. Бунда Республикализнинг ҳар бир маҳалласида истиқомат қилувчи ахолининг турли гурухлари ўрганилиб муайян методикаларни қўллаш кўзда тутилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб тадқиқот методикалари танланди. Танланган методикаларимиз эса ахолининг турли гурухларида намоён бўлувчи Шахс хусусиятлари (“Кэттелл” мезонлари бўйича), шахсларнинг ўзини – ўзи ҳиссий баҳолашларини аниқлашга оид эмпирик кўрсаткичлар, (Рикс-Уэссман услуги бўйича), шахсларда зиддиятли ҳолатлардан чиқиши мотивациясининг намоён этилишига оид кўрсаткичлар кўламини белгиловчи омиллар (Томас услуги бўйича)ни аниқлашга ва шу аниқликлар асосида маҳаллада ахолининг турли гурухларига психологик хизмат кўрсатишнинг амалий – диагностик йўналишларини асослаб беришга хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари таркибида амалиётчи психологларнинг ўрни, иш услуги, ва фаолият йўналишларини амалиётчи психологларга белгилаб бериш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги тизимида фаолият кўрсатувчи амалиётчи психологларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг аттестацияси ҳақида “Низом” лойиҳасини тайёрлаб Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасига тақдим этиш вазифасини амалга ошириш талаб қилинади.

Маҳаллада психологик хизмат кўрсатиш механизмини яратиш ва шу асосда маҳалла институтининг бошқа ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликдаги алоқаларини мувофиқлаштириш керак бўлади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи ахолининг барча гурухларидаги ижтимоий-психологик муаммоларни ўрганиш ва шу асосида психопрофилактика, психодиагностика, психокоррекцион ва психотерапевтик тадбирларни ташкил этиш бўйича “Йўл ҳарита” сини тузиш ҳамда уни маҳалла фаоллари билан биргалиқда тизимли равища амалга ошириш талаб қилинади.

Маҳалла тизимида ахолининг психологик саводхонлигини ошириш учун ҳудудлардаги компитентли психологлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда тизимли равища心理学家 тарбиатида маслаҳатлар, маслаҳатлар ва тренинг машғулотларини олиб бориш лозим.

Демак, юқоридаги тавсиялар асосида маҳаллаларда психологик хизматнинг ташкил этилиши ахолининг турли қатламларида психологик билимларни янада кўпроқ тарғиб қилинишида мухим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 40 б.
2. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Конуни // Олий таълим Меъёрий ҳужжатлари / Академик С.С. Гуломов таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 3–18.
3. Кадрлар тайёрлаш миллый дастури // Олий таълим меъёрий ҳужжатлари / Академик С.С. Гуломов таҳрири остида. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б.18-52.
4. Баротов.Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик.- Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2018. – 344 б.
5. Баротов Ш.Р и др. Психологическая служба образования: от теории к практике.(Учебно - методическое пособие). – Бухара: Дурдона, 2017. – 172 с.



3	<b>Баратов Шариф Рамазонович</b> Психолог хизмат ижтимоий – психолог муаммо сифатида
9	<b>Хусейнова Абира Амановна</b> Ўзбекистонда оиласларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиласнинг ижтимоий функциялари
15	<b>Усманова Манзура Наимовна</b> Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	<b>Собирова Дилафуроз Абдуразикова</b> Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	<b>Назаров Акмал Мардонович, Нурсатова Мехринисо Бахшишллоевна</b> Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуслари
32	<b>Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Мехмоновна</b> Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-автор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	<b>Жумаев Улугбек Сатторович</b> Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	<b>Останов Шухрат Шарифович</b> Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	<b>Рустамов Шавкат Шухратович</b> Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	<b>Nazarova Manzura Mustafo qizi</b> Globallashuv jarayonida milliy til omili
58	<b>Ахмедова Зарина Джамиловна</b> Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	<b>Аъзамова Махлиё Абдурахимовна</b> Махаллада психологик хизмат қўрсатишнинг эмпирик асослари
67	<b>Остонов Жасур Шониржонович</b> Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-автор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	<b>Собиров Абдулазиз Абдуразикович</b> Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	<b>Тилавов Мухтар Ҳасан ўғли, Болтаев Суннат Баҳтиёр ўғли</b> Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	<b>Рўзиев Умар Музаффарович</b>



	Ўспириналарда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	<b>Ҳакимова Фазолат Хошимовна</b> Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мабтаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	<b>Ғайбуллаев Алишер Асадович</b> Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизmlари
96	<b>Турахонов Абдукарим Эшкузиевич</b> Касбий масъулият ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	<b>Кулиев Ёркин Каримович</b> Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	<b>Ermatova Gulnoz Pirimovna</b> Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	<b>Қабулов Қосимбай Пиржонович,</b> Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	<b>Ахмедова Максуда Лочиновна</b> Ўкувчиларда ўзбек мусиқа фольклор хақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	<b>ҚУТЛОВ</b>
121	<b>Баротова Диляфруз Шарифовна</b>